E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

**Утепов Дилмурод Шералиевич**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
**Асланов Бобур Тухтаевич**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Криминология кафедраси ўқитувчиси, майор

**Аннотация.** Ушбу мақолада тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларни ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, профилактика инспекторларининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик масалари ёритилган.
**Таянч сўзлар:** Тазйиқ, зўравонлик, аёл, ҳуқуқий асос, профилактика инспектори, ҳимоя ордери, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик
**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы правового статуса женщин, подвергшихся притиснениям и насилиям, их социально-правовой защиты, правовых основ деятельности инспекторов по профилактике, выдающих защитные ордера женщинам, пострадавшим от притиснения и насилия, производство дел о правонарушениях и административной ответственности, применяемой к этим видам правонарушений.
**Ключевые слова:** Притеснение, насилие, женщина, правовая основа, инспектор по профилактике, защитный ордер, правонарушение, административная ответственность.
**Annotation.** This article discusses the issues of the legal status of women who have been subjected to harassment and violence, their social and legal protection, the legal basis for the activities of prevention inspectors issuing protective orders to women who have suffered from harassment and violence, the proceedings on offenses and administrative responsibility applied to these types of offenses
**Keywords:** harassment, violence, woman, legal basis, prevention inspector, protective order, offense, administrative responsibility

Мустақиллик йилларидаги ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фаолияти такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органлари таянч пунктлари ташкил этилиб, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланди. “Буларнинг барчаси “жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш”дек эски усулдан воз кечиб, «жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш» дек янгича усулга ўтишга имкон берди”[1].

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Мана ҳозирги ҳаётимиз бу, баландпарвоз гаплардан йироқ бўлиб, пастга тушиб, маҳаллада ишламаганимизни натижаси шу. Ҳеч қайсимиз шу вақтгача маҳаллада нима бўлаётганини билмаганмиз” дея таъкидлаб ўтди Унинг сўзларига кўра, “Бу муаммоларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, жамоатчилик, нуронийларнинг ўрни ва таъсири ҳам мутлақо сезилмаяпти”. Давлат раҳбари оилада аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш шартлигини таъкидлади [2].

Амалдаги тартибга мувофиқ, тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади. Лекин, бу муддат ўтгандан кейин улар билан ишлаш тизимида бўшлиқ бўлиб қолган.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Шу ўринда айтиш керакки, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги *биринчидан*, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ваколатли субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, масъулиятини оширади [4].

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларида фуқароларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, уларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ҳамда маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинган. Кодекснинг $206^1$-моддаси тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фуқароларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти шундаки, унинг 2-моддасида: шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш; жиноятларнинг олдини олиш; фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш мазкур Кодекснинг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Қолаверса, унда жиноят учун жазонинг белгиланганлиги шахсларнинг, хусусан фуқароларни тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноий қилмишларни содир этишдан тўғридан-тўғри сақлаб туради.

Фуқароларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунлар ҳақида сўз борганда улардан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини(2.09.2020 й.) айтиш мумкин. Мазкур қонун хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар турлари ва шаклларини аниқлаш ва уларнинг жавобгарлигини таъминлашга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг вазифа ва ваколатлари, амалга оширилилиши лозим бўлган профилактик члора-табирларини белгилаб берилган [7].

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонуни – фуқароларни оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асоси бўлиб, унинг муҳим хусусияти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солишида намоён бўлади. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари белгилаб берилган [9].

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доимий равишда кенг жамоатчиликнинг иштироки ва ҳамкорлигига муҳтож жараён эканлигини инобатга олганда, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014) қонунининг ушбу соҳанинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти яққол кўзга ташланади. Қонунда ижтимоий шериклик ва унинг субъектлари, асосий принциплари, соҳалари, асосий шакллари, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби, ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ушбу соҳага доир бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган [11]. Қонунга мувофиқ, ваколатли давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари аҳолини, шу жумладан ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий

фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билим, онг ва маданиятини юксалтириш ҳамда бошқа соҳаларда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик қилади. Ушбу жараён биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш, лойиҳа ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ахборот алмашиш каби ижтимоий шериклик шакллари асосида таъминланади [12].

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонуни ички ишлар органларининг фуқароларни тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналиш ва принциплари, ички ишлар органларининг тизими ва ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган [13]. Қонуннинг ҳар бир нормаси мазмун-моҳиятига кўра оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади.

Фуқароларни зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий тартибга солувчи юқоридаги қонунларнинг жамият ҳаётига самарали татбиқ этилиши улар ижросининг механизмини белгилаб берувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилишига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ўтган йиллар давомида мамлакатимизда мазкур қонунлар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон (2017) фармони билан қабул қилинган ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг “Йўл харитаси”га айланган [14] 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилди. Мазкур ҳужжатда нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш [15] каби қатор вазифалар белгилаб белгиланиб, унинг ижроси таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг (2022) 69-бандида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди: жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш; хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш; ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш; турар жойга муҳтож

хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш; оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш; «Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш [16].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон (2017) қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мавжуд муаммолар очиқ ойдин кўрсатилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, соҳага замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этишга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Қарорнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири унда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органларининг устувор вазифаси эканлиги кўрсатилиб, бу борада улар фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, ушбу қарор билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Республикадаги барча даражадаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил қилинди ҳамда мазкур идоралараро комиссияларнинг низомлари тасдиқланди [17].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон (2021) Фармонида жамоат хавфсизлиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари юзасидан тизимли ва илмий таҳлилларни амалга оширади, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, нотинч оилалар ҳамда оилавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув - “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мазкур ҳужжатда белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116 (2021) Қарори билан Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази қайта ташкил этилиб унинг вазифаси этиб қуйидаги белгиланди: жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш; оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш; давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш; «Аёллар дафтари»га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни «Аёллар дафтари»дан чиқариш чораларини кўриш; низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш

бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш; оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга кўмаклашиш; долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4-сон (2020) Қарори билан ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартиби белгиланган. Мазкур қарор билан профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида: жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ҳимоя ордери амал қилиш даврида профилактика инспекторлари: тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради; хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради; ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик муайян даражада тизимлаштирилди. Бу эса ўз-ўзидан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга ҳам хизмат қилмоқда. Келгусида бу борадаги ишларни тизимли ва изчил давом эттириш, ҳуқуқий асосларни бевосита тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш методикаси ва механизмларини белгиловчи махсус нормалар билан тўлдириш, ўйлаймизки, мазкур фаолият самарадорлигини оширишга ва уни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ў.Х. Муҳамедов Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. — Т., 2018. — Б. 33.

2. https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/02/violence/

3. Қ.А. Саиткулов Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Юрид. фан. д-ри, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – Т., 2015. – Б. 6.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // – URL: http:lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: http://www.lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонуни (23.04.2013 й.).

7. М.З. Зиёдуллаев М.З., С.А. Исаев Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомил¬лаштириш йўлида // Qalqon. – 2015. – № 1. – Б. 7.

8. М.З. Зиёдуллаев Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – Б. 112.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

10. Ш.М. Мирзиёев Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4749-сон Фармони. // URL: http://www.lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. http://www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон (14.03.2017 й.) қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 12. – 184-м.

WORDLY
KNOWLEDGE